

Муҳитни ўзгартириш



15:10 / 16 февраль 826

Шаҳватни назорат қилиш ва зинодан сақланишнинг муҳим чораларидан бири банда ўзининг атроф-муҳитини яхши томонга ўзгартирсин. Чунки, қаерда шаҳватларни жунбушга келтирадиган нарсалар, зинога мойиллик уйғотадиган сабаблар бўлса, албатта, кишига таъсир қилади. У иш жойи бўладими, яшаш жойими, фарқи йўқ. Нафси ва қалбини пок тутаман деган одам унақа беҳаё жойларни тарк этиши, муҳитини ўзгартириши зарур.

Юсуф алайҳиссаломни Миср аёллари гуноҳга чорлаганда, у киши Аллоҳ таолога шундай дуо қилдилар:

«Эй Роббим! Улар мени чорлаётган нарсадан кўра менга зиндон яхшироқдир» (Юсуф сураси, 33-оят).

Ҳазрати Юсуф алайҳиссалом муҳитларини ўзгартиришни Аллоҳ таолодан сўрадилар. Худди шунингдек, бизга ҳам ёмон муҳитимизни ўзгартиришга батамом ҳаракат қилайлик. Ёмон суҳбатдан сақланайлик. Яхши суҳбатларни ихтиёр қилайлик. Кейин, инша Аллоҳ, зинодан сақланиш осон бўлади.

Ўзингизни бирор Аллоҳнинг валийсига топширинг. Унга байъат қилинг (эргашинг). Чунки, қайси нарса бирор кимсанинг назоратида бўлса, омонлик топади. Бордию назоратдан чиқиб кетса, шарманда бўлади. Шунинг учун банд Аллоҳнинг валийси бўлган бирор пиримуршиднинг этагидан тутиши ва унга ўзини топшириши лозим. Ҳолатини англатсин, улар шунга қараб тавсия, насиҳатлар қилсин. Кейин у тавсияларга қатъий амал қилишсин. Инша Аллоҳ, шунда зинодан сақланиш осон бўлади.

Аллоҳ таолога дуо қилайлик, барчамизни бутун мусулмон умматини гуноҳлардан Ўзи сақласин.

«Бадназарлик ва зинодан сақланиш» китоби асосида тайёрланди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 июндаги 03-07/4033 рақамли хулосаси асосида чоп этилган.